



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Тургунова Хуршида

*Қўқон университети Андижон филиали, Бошланғич таълим
йўналиши 2-курс талабаси*

Аннотация

Ушбу мақолада бошланғич таълим йўналишида таҳсил олаётган бўлажак педагог сифатида, мактабдаги педагогик кузатувларим ва болалар билан бевосита қилиш жараёнида тўпланган шахсий тажрибаларимга таяниб фикр юритилади. Бугунги таълим жараёнида болаларнинг китобдан кўра кўпроқ гаджетларга боғланиб қолаётгани мени чуқур ўйлантирди. Мақолада болаларни китоб ўқишга мажбурлаш эмас, балки замонавий ва қизиқарли усуллар орқали мутолаага бўлган эҳтиёжини уйғотиш йўллари асослаб беришга ҳаракат қилинди.

Abstract

This article describes the role and importance of innovative methods in forming the reading culture of primary school students. Based on personal observations, the author suggests modern ways to interest the digital generation in reading.

Аннотация (Рус)

В данной статье описывается роль и значение инновационных методов формирования культуры чтения учащихся начальных классов. На основе личных наблюдений автор предлагает современные способы заинтересовать цифровое поколение чтением.



Калит сўзлар: китобхонлик маданияти, бошланғич таълим, инновация, шахсий кузатув, рақамли авлод, мотивация, педагогик ёндашув.

Keywords: reading culture, primary education, innovation, personal observation, digital generation, motivation, pedagogical approach.

Ключевые слова: культура чтения, начальное образование, инновации, личное наблюдение, цифровое поколение, мотивация, педагогический подход.

КИРИШ

Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда ёш авлод маънавиятини юксалтириш ва уларни илм-фанга қизиқтириш биз, бўлажак педагоглар олдидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Мен Бошланғич таълим йўналишида ўқиш билан бирга, мактаб муҳитида болалар билан мулоқотда бўлиб, бир муҳим жиҳатга гувоҳ бўлдим: ҳозирги болалар китоб варақлашдан кўра, телефон ва планшетлардаги визуал ўйинларга кўпроқ мойиллик билдирмоқдалар.

Бу ҳолат мени мазкур муаммога ечим излашга ундади. Менинг фикримча, болани китоб ўқишга мажбурлаш эмас, балки унда китобга нисбатан меҳр ва қизиқиш уйғотиш керак. Глобаллашув даврида ахборот технологияларини китобга душман деб эмас, балки дўст қилиб олиш ва боланинг ички мотивациясини уйғотиш йўллариини таклиф этаман.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу тадқиқотни олиб боришда асосан кузатиш, суҳбат ва қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди. Мактаб амалиёти жараёнида ўқувчиларнинг китобга бўлган муносабати бевосита кузатилди. Шунингдек, "Нима учун китоб ўқишни хоҳламайсиз?" мавзусида ўқувчилар ва ота-оналар билан очик мулоқот ўтказилди.



ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларини китобга жалб қилиш учун инновацион ёндашув зарур. Китобни фақат қоғоз кўринишида эмас, балки интерактив ўйинлар ва визуал воситалар билан боғлаш болаларда қизиқиш уйғотади. Бу эса ўз навбатида уларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

Мирзиёев Ш.М. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш... тўғрисидаги Қарори. – Тошкент, 2017.

Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2006.

UNESCO. Reading in the mobile era. 2014.